

Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat  
o'zbek tili va adabiyoti universiteti  
Adabiy manbashunoslik va matnshunoslik kafedrası

“ADABIY MANBASHUNOSLIK VA  
MATNSHUNOSLIKNING  
DOLZARB MUAMMOLARI” MAVZUSIDAGI  
RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY ANJUMANI

*Toshkent shahri,  
29-oktabr, 2020-yil*

**Масъул муҳаррир:**

Шухрат Сирожиддинов,  
*филология фанлари доктори, профессор*  
Рашид Зоҳидов,  
*филология фанлари доктори*

**Нашрга тайёрловчи:**

Зилола Шукурова,  
*филология фанлари бўйича фалсафа доктори*

**Муҳаррир:**

Азамат Атаев,  
*ТошДЎТАУ 1-курс таянч докторанти*

**Мусахҳих:**

Собир Мансуров,  
*ТошДЎТАУ катта ўқитувчиси*

**Матн терувчи:**

Дилором Файзиева

## IV. ZAMONAVIY MANBALAR VA FOLKLOR MATNSHUNOSLIGI HAMDA KITOBAT SAN'ATI MUAMMOLARI

### «ҚИСАСИ РАБҒУЗИЙ»НИНГ САМАРҚАНД ТОШБОСМА НУСХАСИ ТАРКИБИ ВА ТАСНИФИ

**ШУКУРОВА ЗИЛОЛА ЮСУФОВНА**

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва  
адабиёти университети ўқитувчиси, филология  
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Аннотация:** Ушбу мақолада “Қисаси Рабғузий” асарининг XIX асрда кўчирилган Самарқанд тошбосма нусхаси таҳлил этилиб, қадимий қўлёзма билан ўзаро қиёсланиб, матний тафовутлари таҳлил қилинган.

**Аннотация:** В статье анализируется самаркандская литография Кисаси Рабгузий XIX века, сравнивается ее с древней рукописью, анализируются текстовые различия.

**Resume:** The article analyzes the Samarkand lithography of Kisasi Rabguzii of the 19th century, compares it with an ancient manuscript, analyzes textual differences.

**Калит сўзлар:** қўлёзма, тошбосма, манба, матн, нусха, нашр, литография, типография, ёдгорлик, қисса, асар.

Классик насримиз устаси Носириддин Рабғузий “Қисаси Рабғузий” асарида адабиётимиз тарихида бадиий насрининг илк ва нодир намунасини яратиб, шу жанрга асос солди. Бу асар тузилиши жиҳатидан ҳам, мазмуни, ғоявий йўналиши, образлар тизими, бадиий нафосати, турли адабий жанрлар, поэтик унсурларнинг қоришиб келиши нуктаи назаридан ҳам ўзига хос манбадир. Мазкур ёдгорлик мавзу нуктаи назаридан бошқа шу силсиладаги асарлардан фарқ қилади. Унда ижодкор диний сюжет, воқеа–ходисаларни айнан келтирмай, уларни ўз ижодий нияти, ижтимоий–маърифий идеали билан чамбарчас боғлиқ ҳолда тасвирлайди. Инсон умри, жамият тақдири ва уларнинг бир-бири билан узвий боғлиқлиги ҳаётининг воқеалар инъикоси ёрдамида очиқ берилади. Демак, бу китоб туркум сюжетли бадиий ижод неъматларига яқин турар экан.

XIII аср охири – XIV аср бошларида Хоразмнинг Работўғуз деган жойида яшаган Носириддин Бурҳониддин Рабғузийнинг шахси, у яшаган жой ҳақида изланиш олиб бораётган илм фидойилари Тўқбуға беклик қилган қалъа – Работўғуз ҳозирги давр ёдгорликлари рўйхатида Тўққалъа номи билан қайд этилганини аниқлашди. У ҳозирги Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туманида жойлашган<sup>1</sup>.

Ўз даврининг билимдони бўлган Носириддин Рабғузий “Қисаси Рабғузий” асарини ёзишда диний манбаларни кузатиш билан бирга оғзаки ижод таъсирида юзага келган ёзма адабиёт намуналарини ҳам ўрганган. Ўзига хос композицион тузилишга эга бўлган, “XIV асрдаги ўзбек бадиий адабиётининг савияси, даражаси ва кучини кўрсатиб берув-

<sup>1</sup> Зоҳидов П. Кун туғардин кун ботарға сўзи етган зот//Ўзбек адабиёти ва санъати. –Тошкент, 2002-22 феврал-Б 2; Абдушукуров Б. Эски туркий тили адабий тил лексикаси. –Тошкент: Тафаккур Бўстони.2015.9-б

чи”<sup>1</sup>, дин-адабиёт-халқ оғзаки ижоди анъаналари ҳамоҳанглигида яратилган “Қисаси Рабғузий” «ҳижрий 710 йилнинг Ҳут (милодий 1310-1311 йил 21 феврал - 21 март) ойида»<sup>2</sup> ёзиб тугаллаган.

«XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида асар Тошкент, Қозон, Самарқанд шаҳарларида литографик усулда бир неча марта нашр қилинган. Асарнинг нисбатан тўла матни илк марта рус туркшунос олими Н.И.Илминский томонидан 1859 йили Қозон шаҳрида эълон қилинган. Бу нашр кейинроқ кўчирилган нусхага асосланган бўлиб, тил жиҳатдан асл нусхадан анча фарқ қилади»<sup>3</sup>. Филология фанлари номзоди И. Остонакулов фикрича, «1859-1916 йилда Қозон ва Тошкент шаҳарларида босилган пайғамбарлар қиссаларининг Рабғузий номига нисбат бериш тўғри эмас. Уларни номаълум автор томонидан ишланган «Қиссас ул-анбиё туркий» деб атаган маъқул»<sup>4</sup>. Бу каби мунозарали масалаларга ойдинлик киритиш учун қуйида “Қисаси Рабғузий”нинг Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтининг Асосий фондида сақланаётган, аммо ҳанузгача махсус ўрганилмаган № 10252, №7397, № 1834, № 6227, № 11537, № 6346, № 6685, № 6122, №11202 қўлёзма нусхалари ҳамда Самарқанд, Остона тошбосма нусхалари шунингдек, 1990–1991 йилларда «Ёзувчи» нашриётида чоп этилган.

**Самарқанд тошбосма нусхаси.** Китоб қалин картон қоғоз билан муқоваланган. Титул саҳифасида *Туркий “Қисас ул-анбиё” Лирайхон бинти Шариф* деб ёзилган. Китобнинг биринчи бетиде “Ба сайъ ва эҳтимоми Эшон Солиххўжа Тоҳир котиб Бухорои Шариф дар вилояти Самарқанд” деб китобнинг кўчирилган жойи ва котибнинг номи кўрсатилган. Шунингдек, араб алифбосида “Фил матбаа Демуров” деб ҳамда варақнинг пастки ҳошиясида кирилл ҳарфлар билан “Дозволено цензурою Санкт–Петербург 17 декабря 1904 года. Типо лит Р.И.Демурова в Самарканде” деб нашриёт номи берилган. Асар жами 528 бетдан иборат<sup>5</sup>.

Бутун китоб рамка ичида қора сиёҳда ёзилган. Матн иккинчи бетдан махсус нақшли расм ичида “Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим” жумласи билан бошланади. Хаттот китоб ҳақида шундай ёзади: “... бу “Қисасул анбиё” араби эрди. Форсий қилиб андин туркий таржима қилинди. Тўққиз ит йилида Рабиъ ул-аввал ойининг йигирмасида бу китоб форсий тилиндин туркий тилга ўгириб тамом бўлди”. Шу ўринда савол туғилади. Котиб асарнинг ёзилиш тарихини тўғри қайд этдимикан? Бундай шубҳага келишимизнинг сабаби шуки, қиссанинг бошқа нусхаларида асарнинг тугатилиш санаси 710 – йил деб берилади. Бунда эса 9-йил дейилмоқда. Назаримизда, котиб қисса матнини кўчиришда хатога йўл қуйган. Илова тарзда айтиш мумкинки, № 11537 нусхада ҳам қисса 709 ит йили рабиъ ул-аввал ойининг 20-сида битилди, деган ёзув бор. Эътибор қилинса, ҳар икки вариантда ҳам бир хил маъно англатувчи жумлалар ёзилган. Матнни таққослаганда ҳам котибнинг сўзни ташлаб кўчирганини кўриш мумкин. Зеро, улар сюжет тизими ҳамда воқеалар ривожига кўра бир хил. Мундарижа 16-17- бетларда кўрсатилган. Шундан сўнг асосий матн бошланади. Биринчи қисса Ҳижон воқеасига бағишланади. Ҳар бир қисса ҳажмига кўра

<sup>1</sup> Расулев Х. Халқ фантазияси изларининг кўриниши//Адабий мерос. –Тошкент, 1986-2-сон (36). 30-бет.

<sup>2</sup> Рабғузий Н.Б. Қисаси Рабғузий. 1-том. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 7-бет.

<sup>3</sup> Рабғузий Н.Б. Қисаси Рабғузий. 1-том. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 8-бет.

<sup>4</sup> Остонакулов И. “Қисас ар-Рабғузий” – адабий асар: Филология фанлари номзоди...дис. –Тошкент, 1993. 18-бет.

<sup>5</sup> Мазкур нусханинг 2009 йил «Мумтоз сўз» нашриётида филология фанлари доктори Б. Абдушукуров томонидан ҳозирги ўзбек адабий тилидаги табдили нашрдан чиқди. У 207 бетдан иборат бўлиб, матндаги лавҳаларнинг баъзилари туширилган.

махсус фаслларга бўлинган. Масалан, Одам (а.с) қиссаси 11 фасл, Шис (а.с) 4 фаслдан иборат. Нашрда асарда зикр этилган тарихий шахслар ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмаган.

Асарни ўрганиш жараёнида нашриётнинг ҳамда котибнинг хатоси билан йўл қўйилган бир қатор камчиликлар аниқланди. Жумладан, орфографик хатолар сабаб гап маъноси бузилган: “Бошидин йигиб оёғидин чиқарди” (446-бет) гапида йигиб эмас тегиб деб, “Егали бир кунлик йўл қолғонда” (445-бет) гапида егали эмас етгали деб, “Ҳазрат Расули акрам (с.а.в) 18 ишга кирдилар” (452-бет) гапида ишга эмас ёшга деб ёзилса, тўғрироқ бўлар эди.

Баъзи исмларни ёзишда ҳам ҳар хилликлар кузатилади. Масалан, Абу Толиб сўзи уч хил кўринишда: Абу Толиб - بلاط و با-, Ап Толиб - بل اطاپا-, Аби Толиб - بل اطي با тарзида ёзилган бўлиб, шундан Абу Толиб варианты тўғри ҳисобланади ва шундай ёзилиши керак. (452-453 бетлар)

Самарқанд тошбосма нусхасида пайғамбарлар ҳақидаги воқеалар кенг ва батафсил ёритилган. Масалан, Нух пайғамбарнинг асл исми Шокир бўлиб, Нух деб аталишининг уч хил сабаби келтирилган: “... бири улким, бир кун Шайтон (а.л) олдилариға келиб ризолиғ ва миннатдорлиғ қилди ҳад ҳисобдин ташқари. Нух айдилар: Эй малъун, сан не ишға мунча хушнудлиғ қилурсан дедилар. Иблис айди: Эй Нух, ҳама оламни халқи сани дуоинг била йўқ бўлди. Бу йўл била дўзахқа уланди. Дўзахни ичи тўлуб мани кўнглум тибиб қолди. Агар сан дуо қилиб мунча халқни йўқ қилмасанг бу халқдан қанча пайғамбар, қанча авлиё ва олим ва зоҳид ва солиҳ ва фозил ва тақводор вужудға келур эрди... Манга сандек хизмат қилғон киши йўқдур деди. Шундан пушаймон ва надомат қилиб... чандон – чандон йиғладирким... ул боисдан Нух атандилар.

Яна бир улким, бир кун ўлтуруб эрдилар бир ит кириб келиб қошларига турди. Нух итни нари кеткил бадшаклка дедилар. Ит айтдики: Эй Нух, сан нақшни айб қилурмисан наққошниму? Агар нақшни айб қилсанг ман ўз ҳолимча мундоғ бўлғон эмасман, агар наққошни айб қилсанг Ҳазрат Ҳақ Субҳана Таоло деди. Нух бу сўзлариға пушаймон бўлуб йиғладилар ул сабабдан Нух атандилар.

Яна бир боиси улким, Ҳазрат Ҳақ Субҳана Таоло фармон қилдики, Эй Нух, сан кўб кўза, хум, обдаста қилғил деди. Ҳазрат Нух кўб кўза, хум, обдаста тайёр қилдилар. Тайёр бўлғондан кейин, ҳаммасини синдурғил деб фармон бўлди. Ҳаммасини синдурдилар. Айдиларким, Эй бор Худоё, кўза қилғил дединг, не миқдор машаққатлар била тайёр бўлғонда синдурғил дединг синдурдим. Мани меҳнатимни зоеъ қилдинг. Боиси недур деб эрдилар. Ҳазрат Ҳақ Субҳана Таоло айтдики, Эй Нух беш-олти қилғон жонсиз кўзаға меҳнатим зоеъ бўлди дерсан. Мани бандаларим Мағрибдин Машриқғача тўла эрди. Ҳаммасини йўқ қилғил деб дуо қилдинг, ман ижобат қилдим. Ҳаммасини бир йўли йўқ қилдим. Ман санга неча халқимни нимага йўқ булсун дейдурсан дедимму, деб эрди. Бу сўздан ҳижолатлик бўлуб кўб йиғладилар. Ани учун Нух атандилар” (96-97 бетлар). 1990 йилги нашр ва №1834 рақамли қўлёзмада эса уч вариантнинг фақат биринчиси келтирилган, холос.

Юсуф (а.с) қиссаси бирмунча батафсил ёритилган. Биргина Юсуф (а.с)нинг пайғамбар бўлиши ҳақида башорат берувчи бешта туш тасвири берилган: “Юсуф (а.с) 7 ёшға кирганда бир туш кўрдиларким оғалари бирла бир сахроға чиқибдурлар. Ҳар қайсилари таёқларин ерға сочдилар. Ағоларин таёқлари кўкарди, юқори уланди. Юсуф (а.с) таёқлари улуғи осмонғача ўралади. Ағоларининг таёқлариға соя қилди...”. Яна бир кун туш кўриб кўркуб уйғондилар. Оталарига айтдиларким: “Бир улуғ шаҳарда эмишман, бир

тахт ўзасида ултуруиб эмишман. Бошимда тож мурассаъ катта жамият халқ хизматимда ўлтурубдурлар... Ул аснода осмонларни эшиги очуқ бир нури мунаввар ҳама дарёларни суви равон, илғари санахон эрдилар. Олдимда бир ридо ҳама олам ул ридони нурини равшан ва мунаввар эрди. Оламдаги ҳама ганжларни калиди мани олдимда эрди. Бу ишларга таажжуб қилиб турур эрдим ногоҳ ўн бир юлдуз ой ва кун манга сажда қилди, деб тушларини оталариға айтдилар... Ва яна бир кун туш кўрдиларким, ўн бўри келиб Юсуф (а.с)га қасд қилди. Яна бир бўри келиб бу бўриларни қувлаб эрди шул соат ер ёрилди Юсуф (а.с) ерга кириб ғойиб бўлдилар. .. Бир кеча туш кўрди ўн ағолари бир тефаға чиқиб ҳар қайсилари бир қудуқ қаздилар сув чикмади. Юсуф (а.с)ни қудуқларидин сув чикди. Ҳар не бор қудуқлар бўлди. Яна бир кеча туш кўрдилар ҳама ағолари била ўтунға бордилар. Ўзгаларни ўтуни қаро, Юсуф (а.с) ўтунлари оқ эрди. Бир киши тарозу келтуруб оғоларини ўтунуни бир палласиға, Юсуф (а.с) ўтунларини бир палласиға солиб тортди. Ёлғуз Юсуф (а.с)ни ўтунлари оғир келди” (Ўша нашр 184-бет). Тошкент нашрида эса Юсуф (а.с)ни пайғамбар бўлишидан дарак берувчи иккита тасвир, яъни юқоридаги туш тасвиридан биринчи ва “Ўн бир юлдуз, кун ой бирла иниб Юсуфға сажда қилурлар” воқеаси берилган<sup>1</sup>.

Нашрда Юсуфнинг акалари оғзига қон суртиб олиб борган бўри Яъқуб (а.с)га 17 кундан буён овқат емай қариндошини излаб юрганини айтади. 1990 йилги нашрда эса бўри Яъқуб (а.с)га 3 кундан бери овқатланмай ўғлини қидириб юрганини айтади.

Самарқанд нашрида учта латифа келтирилган бўлиб, улар Мусо (а.с) қиссасида битта (бирок у латифа жанри талаб–тамойилларидан буткул йироқ 317-бет) ҳамда Юсуф (а.с) қиссасида иккита (237, 245-бетлар) берилган. Тошкент нашрида ҳам учта латифа келтирилган ва уларнинг барчаси Юсуф (а.с) қиссаси таркибидадир. Демак, бу нашр тил жиҳатидан ҳам, композициясига кўра ҳам асл нусхага яқин турувчи кўлзмадан фарқ қилар экан.

Умуман олганда, Носириддин Рабғузийнинг «Қисаси Рабғузий» асарини ўрганиш ва таҳлил қилиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, ҳозиргача биз таяниб келаётган адиб ижоди ҳақидаги айрим маълумотлар Носириддин Рабғузий ва унинг «Қисаси Рабғузий» асари ҳақида тўлиқ тасаввурни ҳосил қилмайди. Қисса ўқувчиларнинг севимли асари бўлгани сабаб, турли жойларда бир қанча котиблар томонидан қайта-қайта кўчирилган ва китобат асносида асарга кўшимча воқеалар, ҳикоятлар ва шеърлар киритилган. Натижада қисса тили, сюжети, композицион тузилиши ва ҳаттоки, унинг ёзилиш санасига доир айрим чалкашликлар юзага келган. Уларга аниқлик киритиш зарурати кўплаб илмий изланишлар олиб борилмоғи кераклигини кўрсатади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. *قصص الانبيا* - Самарқанд тошбосмаси. 1904, - Б. 528.
2. Рабғузий Н.Б. Қисаси Рабғузий. 1-том. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 240.
3. Абдушукуров Б. Эски туркий тили адабий тил лексикаси. –Тошкент: Тафаккур Бўстони.2015.
4. Зоҳидов П. Кун туғардин кун ботарға сўзи етган зот//Ўзбек адабиёти ва санъати. – Тошкент, 2002-22 феврал-Б 2;
5. Расулєв Х. Халқ фантазияси изларининг кўриниши//Адабий мерос. –Тошкент, 1986-2-сон (36). 30-бет.
6. Остонақулов И. “Қисас ар-Рабғузий” – адабий асар: Филология фанлари номзоди... дис. –Тошкент, 1993. – Б. 129.

<sup>1</sup> Қаранг: Рабғузий Н.Б. Қисаси Рабғузий. 1-том. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 102-бет.

## МУНДАРИЖА

Шухрат СИРОЖИДДИНОВ. Адабий манбашунослик ва матншунослик масалалари .....	3
Қосимжон СОДИҚОВ. Кул Тигин ва Билга Хоқон битигларида кечган хоқон сўзининг чоғиштирма таҳлили .....	5
Ваҳоб РАҲМОНОВ. Атойи нима дейди-ю... ношири нима дейди? .....	9
Рашид ЗОҲИДОВ. Илмий-танқидий матн имтиёзи .....	14
Отабек ЖЎРАБОЕВ. “Бадоеъ-ул-бидоя” девони Тошкент нухасининг китобат ва матн хусусиятлари .....	18
Абдулла ЎРОЗБОЕВ. Муҳаммад Ризо Огаҳий “асарлар”и янги нашри: ютуқ, муаммо, истиқбол .....	23
Қўлдош ПАРДАЕВ. Муқимийнинг уч ҳажвияси матни тарихи .....	32
Sobirjon TONIROV. Alisher Navoiyning “Nayrat ul-abror” dostonida matn va vazn variatsiyasi muammolari .....	38
Хабибулла МАДАТОВ. “Ал-жабр вал-муқобала” асари ҳақида санок тизимлари .....	45
Абдурасул ЭШОНБОЕВ. Порсо Шамсиев – матншунос .....	49
Шермуҳаммад АМОНОВ. Манбаларда Аҳмад Табибий биографиясига оид маълумотлар ..	54
Дилдора ХУДЖАНОВА. Аруз илмига оид тадқиқотларда транслитерация масаласи .....	58
Гулнора ЮЛДАШОВА. Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший асарларининг табдил қилиниши ..	62
FeruzaNAMROYEVA. “Mahbub ul-qulub” da she’riy matnlarning rang-barangligi, janr xilma-xilligi va saj usuli .....	66
Бекзод АБДИРИМОВ. Араб манбаларида хоразмликлар ва Миср мамлуклар давлатининг ташкил топиши ҳақида .....	69

## II. ADABIY MANBASHUNOSLIK VA MUMTOZ MATN TALQINI

Акрамжон ДЕХҚОНОВ. Шаҳзода Шоҳғарибга насихатлар .....	77
Хуснигул ЖЎРАЕВА. Баёзларда Ҳусайний ғазалларининг киритилишига доир .....	83
Баҳриддин УМУРЗОҚОВ. Фахруддин Алий Сафийнинг ижодий ва бадий маҳорати (“Рашаҳот” асари мисолида) .....	86
Дилрабо КАЗАКБАЕВА. Муаллифи номаълум таржиъбанд .....	96
Нигора ХАКИМОВА. “Маҳосин” асари қўлёзмасининг кодикологик таҳлили .....	103
ZEBU SAIDJANOVA. So‘fi devoni nashr nusxalaridagi matniy tafovutlar .....	106
Шерхон ҚОРАЕВ. Алишер Навоий асарлари XV аср шеърят кечалари манбаси сифатида	112
Муҳаммадайюб АЗИМОВ. Йирик мутафаккир олим Сўфи Аллоҳёр ҳаёти ва илмий фаолияти .....	121

## III. QO‘LYOZMA VA TOSHBOSMA KITOBLAR TADQIQI

Собир МУНСУРОВ. Фафур Ғулом уй-музейи фондидаги Мирзо Абдулоқодир Бедилга оид манбалар .....	125
Нигора СУЛАЙМОНОВА. Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-муфассал фи санъати-л-иъроб” асари ва унинг тошбосма нусхалари .....	129
Sherali QO‘LDOSHEV, Dilnoza QO‘LDOSHEVA. Shavqiy Namangoniyning “Jangnomayi Xudoyorxoniy” nazmiy asari .....	136
Азамат АТАЕВ. Огаҳийнинг тарихий асарларидаги иқтибослар хусусида (“Риёзуд давла” мисолида) .....	140
Жаҳонгир ТУРДИЕВ. Ўзбек адабиётини ўрганишда туркий “Меърожнома” асарининг ўрни .....	146
Саидахмадхон ҒАЙБУЛЛАЕВ. “Усул ал-баздавий” асарининг Тошкент қўлёзма нусхалари таҳлили .....	152

Наима АЛИҚУЛОВА. “Тазкираи мажзуб Намангоний” асари ва унинг қўлёзмалари хусусида .....	155
Ихтиёр БАБАНАЗАРОВ. Рукописи и литографические издания произведения Махмуда Замахшари «Атвок уз-захаб ...» .....	160
Исмоилжон ИКРОМОВ. Қўқон хонлиги сарой кутубхонаси хақида айрим мулоҳазалар .....	164
Солиҳа МУСАХОНОВА. Огоҳ девонининг матний хусусиятлари .....	172

#### **IV. ZAMONAVIY MANBALAR VA FOLKLOR MATNSHUNOSLIGI HAMDA KITOBAT SAN’ATI MUAMMOLARI**

Зилола ШУКУРОВА. «Қисаси Рабғузий»нинг Самарқанд тошбосма нусхаси таркиби ва таснифи .....	174
Насиба САБИРОВА. Хоразм халфачилиги: қўлёзма манбалари ва уларнинг ўрганилиши ....	178
Ёқуб БУХАРБАЕВ. Девоний (султоний) хат тури .....	184
Комилхон БОҚИЕВ. Мовароуннаҳрда қўлланган Араб ёзувининг турлари .....	192
Козимхон АСРОРОВ. Мовароуннаҳр – хаттотлик санъати маркази: ўтмиш ва бугун .....	196
Abdulhamid ABDUSATTOROV. Xattotlik va kitobat san’ati .....	201
Шерхон ҚОРАЕВ. Адабий мажлисларда қўлланилган шеърлий матнлар (Қўқон адабий муҳити мисолида. XIX аср боши.) .....	204
Козимхон АСРОРОВ. Тарихий ёдгорликларда ёзилган энг муҳим хат турлари .....	209
Dilnoza SUVONQULOVA. Abdulla Qodiriyning “Mehrobdan chayon” romanining darslikda berilgan variant bilan qiyosiy tahlili va samarali dars tashkil qilish metodlari .....	213
Sayyora MATKARIMOVA. Darslik va manba qiyosi .....	219